

## ЎҚУВЧИЛАРГА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ ВА ЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИ ШАҚИЛЛАНТИРИБ БОРИШ.

**Рўзиева Назира Ёдгоровна.**

*Термиз муҳандислик технология институти ўқитувчиси.*

**Ўролова Хамида Абдимажит кизи.**

*Термиз муҳандислик технология институти талабаси.*

**Аннотатсия:** ўқувчиларни экологик тарбиялаш жараёнини ривожлантиришга йўналтирилган маданий хулқ, одоб-ахлоқ, экологик маданият, экологик билим, экологик саводхонлик, экологик таълим бериш ёш авлодни маънавий - ахлоқий ва экологик миллий руҳда тарбиялаш ва яхши хислатларни таркиб топтириш ҳақида баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Экологик таълим, Экологик тарбия, Экологик онгни шакллантириш, маънавий - ахлоқий тарбия, миллий руҳда тарбиялаш, ахлоқий, жисмоний, меҳнат тарбияси.

Ўзбекистон Республикаси экология ва табиатни муҳофаза қилиш муаммоларининг долзарблиги, педагогика фани ва мактаблар олдида муҳим вазифани - табиатни муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланишни биладиган ёш авлодни тарбиялаш масаласини кўндаланг кўймоқда, Бу мураккаб масала мактаб ўқувчилари томонидан инсон ва табиатни ўзаро алоқадорлигининг илмий асослари тўла эгалаган пайтдагина ижобий ҳал қилиниши мумкин, Ҳозирга замон педагог олимлари экологик таълим ва тарбиянинг мақсади мактаб ўқувчиларида атроф - муҳитга масъуллик муносабатини таркиб топтиришни таъминловчи илмий билим, қараш ва эътиқодлар тизимини шакллантиришдан иборатдир Табиат билан мулоқот ўқувчиларда эмоционал акс садони уйғотади. Болалар яшил майсаларга, қушларнинг сайрашига, капалак парвозига, ўсимликларнинг ранг-баранглигига махлиё бўлади. Болалар табиатга шавқатсиз муносабатда (қуртқумурсқаларни ўлдириш, жонворларни қийнаш, қуш уяларини бузиш, майсаларни пайҳон қилиш каби) бўлмасликка ўргатилади. Болаларга атроф-муҳит билан танишиш бўйича биринчи дарслардан бошлаб мақсадга мувофиқ саёҳатда ота-оналар қандай ишлар билан бандлиги, ишлаб чиқараётган маҳсулотлари билан яқиндан танишадилар. Юргимизнинг тарихи, табиати, одамларнинг хўжлик фаолиятининг хусусиятлари билан танишадилар. Ердан, сук хавзаларидан фойдаланиш, уларни келажак авлодга сақдаб етказиш тадбирлари ҳақида ўрганадилар. Болаларни мактабни,

махаллани, қишлоқни кўкаламзорлаштириш, хиёбон, сув хавзалари тоза тутиш ҳайвонот оламига ғамхўрлик кўрсатиш ишларига жалб этиш, олган билимларини ҳаёт билан боғлашни ўргатиш ўқитувчи ва тарбиячиларнинг долзарб вазифасидир. Ҳозирги кунда ёш авлодни маънавий - ахлоқий тарбия ва экологик руҳда тарбиялаш ва яхши хислатларни таркиб топтиришда Курон оятларидан ва Пайғамбаримиз Муҳаммад Саллоху алайҳи вассалом ҳадисларидан унумли фойдаланмоғимиз керак. Ёшларни миллий руҳда тарбиялашда қуйидаги дастлабки вазифаларни амалга ошириш мумкин.

1. Авлод-аждодларимиз она заминни эъзозлаш ва уни асраш вазифамиз баракамиз деб билишган. Ерга тупуриш гуноҳ ҳисобланган. Бу заминни бузиш деб билишган. Агар ерда турли-туман ўсимликлар униб ўсган бўлса, у ернинг тоза эканлигини қараб, ер кучли ёки кучсиз эканли маълум бўлган.

2. Сув қадим замонлардан серкуёш юртимиз учун олтин каби кадрланиб келинган. “Сувга тупурма” деб таълим беришган. Ҳатто кексаларимиз ҳовлини сувга қараб супиришга ҳам рухсат этмасдилар. Ариқлардан тоза сувни ичишган, сувлар мусаффи бўлган. Бу одатлар бизга поклик рамзи сифатида аждодларимиздан мерос.

3. Болаларда ёшлигидан табиатга меҳр-муҳаббагни уйғотиш ва қизиқтириш ўраб турган гўзалликлардан завқлантириш экологик билимларни ўргатиш экологик тарбиянинг асосидир. Шунинг учум ҳам ажлолларимиз бу масалага жиддий эътибор беришган.

4. Ёшларда экологик таълим ва тарбияни ҳосил қилиш лозим, Экологик онгни шакллантирининг бош илдизи инсоннинг табиат маҳсули эканини билиш маънавий жиҳатдан мустақил, биологик жиҳатдан унга тобе эканлигини ҳис этиш зарурдир..

**Экологик таълим-тарбияни** Экологик таълимнинг назарий асосини эса, оила, боғча, махсус мактабда маълум ўқув режа ва дастурлар асосида олиб бориш зарурдир. ўқувчиларда экологик билимни экологик онг, маданиятни шакллантиришда қуйидаги тизимда иш олиб бориш тақозо этилади: Ўқувчиларида назарий ва амалий экологик тарбияни амалга ошириш учун ота-оналар, тарбиячилар ва ўқувчи-дефектологларнинг экологик саводхонлигини ошириш; -экологик тарбияни амалга оширишда ҳар бир бўлимда оила-боғча-ёрдамчи мактабда олиб бориладиган индивидуал ва ёшини ҳисобга олган ҳолда махсус педагогик ишлар; - ёрдамчи мактабларда экологик таълим-тарбия бериш учун кадрлар тайёрлаш; -экологик таълим-тарбия ёрдамчи мактаб ўқувчиларига мослаштирилган ҳолда ўқитилиши керак -экологик таълим-тарбия

вазифаларини сиёсий, ахлокий, жисмоний, меҳнат тарбиясига комплекс тизим асосида коррекцион ёндошган ҳолда хал этиш керак бўлади. Соғлом болаларга экологик таълим ва тарбия тўғрисидаги дастлабки оддий тушунчалар ўрта мактабда ўтиладиган: назарий экологик предмет фанлари асосида ўқитилади ва кейинчалик билим юртлари, олий таълимда чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганилади.

**ХУЛОСА** ўқувчиларга экологик таълим ва экологик билимни шакллантиришда онгни шакллантирининг бош илдизи инсоннинг табиат маҳсули эканини билиш маънавий жиҳатдан мустақил, биологик жиҳатдан унга тобе эканлигини ҳис этиш зарурдир.. ўқувчиларнинг ўз кучига бўлган ишончини ошириш – бу принципга амал қилиш ҳар қандай кўзланган мақсадга эришишдаги муҳим омилдир.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Курбанов Б. З.Холмирзаев, М.Рустамов «Ўрта мактаб ўқувчиларида экологик маданият асосларини шакллантириш йўллари» Халқ таълими. – Тошкент. – 2010. 104-106. 61
2. Маҳмудов Ю.Ф. Экологиядан қўлланма. – Тошкент: Фан, 1997.– 42 б.
3. Султонов П.С Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш асослари Тошкент давлат педагогика Тошкент. – “Мусика” нашриёти - 2007. - 240 б.
4. Г.Султонова. А.Рахматуллаев, П. Пўлатов. Низомий номли Тошкент давлат педагогика университети “Экология таълим ва тарвия педагогик муаммолари”  
(Республика илмий амалий конференция матери.Тошкент - 1999